

## АХБОРОТ ХАТИ

Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти, tadqiqot.uz Халқаро илмий журналлар портали ҳамкорликда 2020 йилнинг 1 май куни **"Замонавий таълимда рақамли технологиялар: Филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари"** мавзусида халқаро илмий-амалий масофавий конференцияни ўтказиш режалаштирилган.

Анжуманда илмий тезислар тўпламини чоп этиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан **2020 йил 20 апрелгача** бўлган муддатда илмий мақола ва тезисларни ўзбек, рус ёки инглиз тилларида анжуман таҳририятига электрон кўринишда юборишингизни сўраймиз.

### **Конференциянинг асосий мавзулари:**

- Узлуксиз таълимда масофавий таълимни қўллаш имкониятлари;
- Талабалар билимини баҳолашда рақамли технологиялар самарадорлиги;
- Бадиий матнлар таҳлили ва таржимасида электрон дастурлардан фойдаланиш имкониятлари;
- Компьютер лингвистикасининг филология соҳасидаги аҳамияти.

Конференция таҳририят кенгаши томонидан юқоридаги мавзуларга мос ва талаб даражасида расмийлаштирилган мақолалар кўриб чиқилади. Конференция материаллари тўпламида нашр этилади.

Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин.

Юборилган мақолаларнинг барчаси "Антиплагиат" тизимида текширилади.

Мақолалар иловада кўрсатилган "Иштирокчи анкетаси" билан бирга қабул қилинади.

### **Тақдим этиладиган тезисларни расмийлаштиришга қўйилган талаблар**

#### **Илмий тезис мавзуси (Title)**

Тезис мавзуси имкон қадар қисқа ва лўнда кўринишда шакллантирилган бўлиб, тезис тадқиқот йўналишини аниқ ифода этиши лозим. У ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида тақдим этилиши керак.

#### **Илмий тезис муаллифи тўғрисида маълумот (Author information)**

Ушбу қисмда муаллифнинг исми-шарифи (отасининг исми билан), иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари киритилади.

#### **Тезиснинг аннотацияси (Abstract)**

Тезисларнинг қисқача аннотацияси 8-10 қатордан ошмаган ҳолда мақола ёзилган тилда берилади. Унда тадқиқот муаммоси, унинг долзарблиги, тадқиқот муаммосини очиб бериш учун қўлланилган методология, тадқиқот натижалари, мақоланинг тўла мазмунидан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг илмий ва амалий ҳиссасининг қисқача баёни ёритилади.

### **Таянч иборалар (Key words)**

Таянч сўзлар тезис мазмуни ва мақсадини энг қисқа мазмунда очиб берувчи калит сўзлар ҳисобланади. Scholar.google.com ёки google.com қидирув тизимида тезис осон ва энг биринчи саҳифаларда топилиши учун таянч сўзларнинг ҳар бири асосий матн таркибида ўртача 6-8 марта такрорланиши тавсия этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)**

Ушбу қисмда тадқиқотда фойдаланилган барча адабиётларнинг рўйхати [1], [2] ёки [3] кетма-кетлигида:

- муаллифлар исми-шарифи, китоб номи, нашр манзили нашриёт номи, йили, бетлари;
- муаллифлар исми-шарифи, мақола номи, журнал номи, нашри, йили, сони, бетлари.

### **Тезис матни**

Матан “Times New Roman” шрифтида, 14 кегелда бўлиб, қаторлар оралиқлари масофаси 1 интервалда бўлиши лозим. Мақола матни саҳифасининг барча (ўнг, чап, юқори ва қуйи) томонидан 2 сантиметрдан иборат масофа қолдирилади. Тезиснинг максимал ҳажми 5 бетдан ошмаслиги, минимал ҳажми эса 3 бетдан кам бўлмаслиги ҳамда фойдаланилган адабиётлар сони камида 5-6 манбадан иборат бўлиши лозим.

Мақолалар <https://tadqiqot.uz/publish/> манзили ёки +998933654444 телеграмм манзили орқали қабул қилинади.

Филология журнали

<https://tadqiqot.uz/jurnallar/suz-sanati-halqaro-jurnali/>

Педагогика журнали

<https://tadqiqot.uz/jurnallar/ped/>